

Ijtimoiy-tarixiy, ilmiy va ommabop jurnal

SOHIBQIRON YULDUZI



Соҳибқирон юлдузи
№2 (55) 2024 yil

*"Bizkim-mulki Turon, amiri Turkistonmiz, bizkim
- millatlarning eng qadimi va eng ulug'i Turkning
bosh bo'g'inimiz!"*

Sohibqiron Amir Temur



ISBN-2181-0281



SOHIBQIRON YULDUZI

ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ, ИЛМИЙ ВА ОММАБОП ЖУРНАЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов
академик Анатолий Сагдуллаев
академик Дилором Юсупова
Сирожиiddин Саййид
проф. Абдурахим Эркаев
проф. Қаҳрамон Ражабов
проф. Юлдуз Эргашева
проф. Баҳодир Эшов
филол.ф.д. Нафас Шодмонов
Тўлқин Ҳайит
т.ф.д. Г.Мўминова
проф. Шокир Гафоров
филол.ф.д. Ҳўжамурод Ҳабборов
филол.ф.д. Дамин Тўраев
т.ф.д. Акрам Ҳасанов
проф.Қамолiddин Ганиев
т.ф.н.доц. Матлуба Тўраева
т.ф.д.Фахриддин Раҳмонов
т.ф.ф.д. Раъно Тўхтаева

Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тогаев

Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот
бошқармасида 2012 йил 12 мартда
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.
Журнал йилда 4 мартаба чоп этилади.
Журналдан кўчирма олинганда манба
қайд этилиши шарт.

Манзилимиз:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,
2-уй. Телефон: 91.466-80-32
Теришга 16.01.2024 йилда берилди.
Босишга 29.02.2024 йилда рухсат
этилди. 06.03.2024 йилда босилди.
Бичими 70x100 1/16.15,04 босма табақ.
Адади 30 нусха. Буюртма №59
Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш
корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Электрон манзилимиз:

sohibqiron_jurnali@mail.ru

2024 йил №2 сон (55)



2024 йил «Ёшлар ва бизнесни
қўллаб-қувватлаш йили»

Журнал таниқли шоир, маънавият
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев
ташаббуси билан ташкил этилган.
2010 йилдан чоп этилади.



MUNDARIJA

TADQIQOT

Boltaboyev Muxammadjon Axmadjon o'g'li. SOVET HOKIMIYATINING DASTLABKI YILLARIDA VAQF MULKLARINING AHVOLI.....	4
Jurayev Husniddin Pazliddinovich. BUXORO AMIRLIGIDA SOLIQ SIYOSATI..	10
Murodova Sadoqat Qo'ziboyevna. O'ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARDA BAXSHICHILIK SAN'ATINI RIVOJLANISHI.....	15
Ж.К.Тоғаймуродов, O'ZBEKISTON SHAROITIDA DINIY BAG'RIKENGLIKNI MUSTAHKAMLASH IMKONIYATLARI.....	18
Махманова Моҳира. MUSTAQILLIK YILLARIDA MUSIQA TA'LIMI TIZIMIDAGI O'ZGARISHLAR VA YANGILANISHLAR.....	25
Bo'riyeva Sanobar Farhod qizi. XORIJIY TIL O'QITISHDA DUCH KELINADIGAN MUAMMOLAR VA ULARNING OLDINI OLISH UCHUN QO'LLANILADIGAN METODLAR.....	31
Timirova Shirin Shavkatovna. AHOLI VA YOSHLARNING TOZA ATROF-MUHITDA YASHASH HUQUQINING UMUMIY TASNIFI.....	35
Nargiza Alimova. TURKISTON SOLIQ TIZIMIDAGI O'ZGARISHLAR VA ULARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI (XIX ASR OXIRI - XX ASR BOSHLARI).....	40
Feruza MALLAYEVA. QASHQADARYODA NEFT VA GAZ SANOATINING SHAKLLANISHI TARIXI.....	44
Abdullaev Ravshanjan. ALISHER NAVOIY ASARLARINING MAZMUN-MOHİYATI VA O'QUVCHILARNING MA'NAVİY KAMOLOTIDAGI O'RNI..	54
Аминов Х.А., TEMURIYLARDAN SHAYBONIYLARGA O'TISH DAVRIDA YARATILGAN FIQHİY ASARLAR.....	60
Azizov Fayoz. BAROKKO DAVRI MUSIQA USLUBI.....	66
Тўраев Анвар. BUXORO TURKMANLARI MILLIY TAOMLARINING O'ZIGA XOSLIGI.....	73
Ergashev Suxrob. MAKTAB VA MADRASALAR TARIXSHUNOSLIGI (XX ASR BOSHLARI MISOLIDA).....	80
Karimov B.BUXORO AMIRLIGI DAVRIDA QARSHI SHAHRI IQTISODIYOTINING YETAKCHI TARMOQLARI.....	85
Mahmadaminov Mirqosim. EXPLORING CONDITIONALS IN DISCOURSE: FROM ALTERNATIVE MENTAL SPACES TO LINGUISTIC CHOICES....	88
Mamatova Mavluda. TARIX DARSLARIDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	95
Zavqiddin Buriyev. Rossiya imperiyasi davrida Kaspiyorti viloyati aholisining ijtimoiy, ma'naviy - madaniy hayotida sodir bo'lgan o'zgarishlar.....	100
Sulaymanova Shoxsanam. SHAROF RASHIDOV O'ZBEKISTON SSRNING BIRINCHI SIYOSIY RAHBARI (1959-1983).....	108
Mahmaniyo'zov O'g'abek. OLIY TA'LIM TIZIMIDA HAMKORLIK ALOQALARI.....	113
O'tkirov Abdulazizbek. YEVROPA MAMLAKATLARIDA XAYRIYA FAOLIYATINING YARALISH TARIXI (GERMANIYA FEDERATIV RESPUBLIKASI MISOLIDA).....	120
Ro'ziyeva Dilshoda. MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONDA Odam savdosini oldini olishga qaratilgan davlat siyosati.....	126
Samadova Nargiza. ILK O'RTA ASRLAR SHAHARSOZLIGI, SO'G'D MISOLIDA.....	130
Sherxon QORAYEV. XORAZMLIK SHOIR XONLAR SULOLASI TARIXI (XIVA HUKMDORI SAYYID MUHAMMAD BAHODIRXONNING 12 NAFAR SHOIR ZURRIYODI IJODI MISOLIDA).....	133
Temirova Feruza. IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA QASHQADARYO XOTIN-QIZLARINING SANOAT KORXONALARIDAGI FAOLIYATI.....	149



TADQIQOT

SHAROF RASHIDOV - O'ZBEKISTON SSRNING BIRINCHI SIYOSIY RAHBARI (1959-1983)

Сулайманова Шохсанам Абсаматовна,
Чирчиқ давлат педагогика университети

Kalit so'zlar: Шарқдаги дарвозаси, метрополитен, "Тошкент 90", ишчи кадрлар, фахрий унвон

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1959 йил 14 мартда бўлиб ўтган XII пленуми С.К. Камоловни Марказий Комитет биринчи котиби вазифасидан озод қилди ва уни бюро таркибидан чиқарди. Унинг ўрнига Ш.Р.Рашидов сайланди. Миллатчилик ва диний ҳаракатларнинг фаоллашганлигини баҳона қилиб, Москва 1950 йиллари бир қатор республиклар раҳбарларини алмаштирган эди. Ўзбекистондаги шундай алмаштириш натижасида ҳокимиятга Шароф Рашидов келди.

1959 йил январь-февраль ойларида бўлиб ўтган КПССнинг XXI съезди СССРда социализм тўла ва узил-кесил галаба қозonganлигини таъкидлади. Бундан буён СССРда кенг миқёсда коммунизм қуриш жараёни бошланганлигини эълон қилинди. 1961 йил октябрда КПССнинг XXII съезди партиянинг янги учинчи дастури Коммунизм қуриш дастурини қабул қилди. Бу дастурда 1980 йилга келиб коммунизмнинг моддий техник базасини яратиш вазифаси илгари сурилди. Бунинг учун аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича етакчи капиталистик мамлакатларни қувиб ўтиш моддий ва маъданий неъматларнинг мўл-кўлчилигига эришиш, огир жисмоний меҳнатни бартараф қилиш каби вазифалар қўйилди. Дастурда аҳоли фаровонлигини кескин ошириш ва жамиятни кенг демократизациялаш каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. СССРда пролетариат диктатураси давлати ўсиб, умумхалқ давлатига айланганлиги давлат бошқаруви аста-секин жамоат бошқаруви билан алмашинуви тўғрисида хулоса қилинди[1]

1950 йилларнинг охирида СССР Қозогистоннинг Бойконур деган жойида авиа космик марказ қуришга қарор қилади. Дастлаб бу лойиҳа "Тошкент 90" деб аталди, зеро дунёда биринчи космодром қурилишининг муваффақияти Ўзбекистон иштирокисиз амалга ошириш



қийин эди. Объектга қурилиш ускуналари ва материаллари, цементдан тортиб, то ўтингача, шунингдек ишчи кучи Тошкентдан етказиб берилаётган эди. Ш.Рашидов бу жараёни шахсан назорат қилиб, қурилишнинг тўхтовсиз амалга оширилишига ва ўз вақтида ишга туширилишига катта ҳисса қўшди.

1961 йил октябрда бўлиб ўтган КПССнинг XXII съездида Ш. Рашидов иттифоқдош республикалар раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб, КПСС Марказий Комитети таркибига киритилди, ҳамда Совет раҳбарлик тизимининг энг қудратли гуруҳи - КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига номзод этиб сайланди.[2]

Ш. Рашидовнинг мамлакат ички ҳаётидаги кўплаб воқеаларга ўз нуқтаи назари борлигини деярли намоёнкорона тарзда изҳор қилиши Н.Хрущёвга ёқмас эди. Масалан Н.Хрущёв даврида динга қарши ўтказилган компания умуман совет давлати тарихида бошқа учрамайди. Беш йил ичида (1960-1964) СССРда черков, масжид ва бошқа диний эътиқод жойлари 5,5 мингтага қисқариб кетди. Н.Хрущёв бутун мамлакат бўйлаб динга қарши кураш эълон қилди. Ш.Рашидов бошчилигидаги Ўзбекистон раҳбарияти турли баҳоналар билан республика ҳудудида бу жараёни юмшатишга уринди. Москвага шунча масжид ёпилди деб ахборот берилса-да аслида улар фаолият юритаверди. Буни Н.Хрущёв яхши биларди. Аммо республикада эришилаётган ютуқлар Ш.Рашидовни лавозимидан олишга йўл қўймаётган эди. Масалан, 1963 йили Ўзбекистон пахтадан рекорд -3 миллион 688 минг тонна ҳосил йигиб олди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 681 минг тонна кўп эди. Шу йил декабрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми "Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор" деган фахрий унвон таъсис қилди. Республика бошқа соҳаларда ҳам кўзга кўринадиган ютуқларга эришди. Шу йили 29 та янги саноат корхоналари ишга туширилди, ишлаётган завод ва фабрикаларда 55 та цех қурилди. Бу ютуқлар Н. Хрущёв билан муносабатларнинг мураккаблигига қарамасдан Ш.Рашидовга куч ва шижоат бахш этди. У баъзи ҳолларда Н. Хрущёвга очиқчасига қарши борди. Масалан, 1953 йили Москвадан қувилган машҳур ёзувчи Константин Симоновга Ш. Рашидов Тошкентдан бошпана берди. "Звезда Востока" журнали СССРда биринчилардан бўлиб, унинг "Тириклар ва ўликлар" романини нашр қила бошлади.

Бундан ташқари Хрущёв қаҳрига дучор бўлган рус совет адиби, драматург ва журналист Валентин Владимирович Овечкин билан ҳам шундай ҳолат бўлган. Ш. Рашидовнинг ёрдами туфайли Овечкин ва унинг оиласига Тошкентда хонадон тақдим этилган. Ш. Рашидов уни илиқ қарши олган, қандай жойлашгани, режалари билан қизиққан.

1964 йилда Ш. Рашидов ёзувчига Хрущёв томонидан салбий

муносабат бўлганига қарамасдан Овечкиннинг 60 йиллиги муносабати билан уни орден билан мукофотлашга тақдим этган. Бундай қилиш муайян матонатни талаб қилган. Овечкиннинг ўзи бу масалада шубҳаланишига қарамасдан, уни мукофотлашган. Ш. Рашидов ёзувчи вафот этгандан сўнг ҳам унинг хотирасини абадийлаштириш ва оиласи тўғрисида гамхўрлик қилишни давом эттирган

Жадал суръатлар билан ривожланаётган Ўзбекистон саноатини мутахассис ишчи кадрлар билан таъминлаш мақсадида Ш. Рашидов бошчилигидаги республика раҳбарияти касбий-техник таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Шу эътибор туфайли касбий-техник билим юртларининг кенг тармоғи яратилди. Агар 1960-1961 ўқув йилида 73 та касбий-техник билим юртларида 18,2 минг ўқувчи таълим олган бўлса, 1975 йилга келиб, шундай билим юртлари сони 273 тага етди. Уларда таълим олаётган ўқувчилар сони эса 117,4 минг кишига етди.

Ш. Рашидов ташаббуси билан одатдаги умумтаълим мактаблари билан бир қаторда кўплаб махсус мактаблар ва мактаб-интернатлар очилди. Масалан ўқувчиларнинг бадиий маҳоратини ривожлантириш мақсадида республикада 109 та мусиқа ва бошқа бадиий мактаблар, жумладан миллий мусиқа, илмий-амалий санъат ва спорт йўналишидаги мактаб-интернатлар очилди. Ҳаммаси бўлиб республикада 133 та мактаб-интернатлар очилиб, уларда 1966-1967 ўқув йилида 44,7 минг тарбияланувчи таълим олди.

1966 йилнинг 4-10 январ кунлари Тошкентда Ҳиндистон ва Покистон ўртасида музокаралар ўтказилиб, Тошкент Декларацияси имзоланди. Албатта бу музокараларни ташкил қилишда ва ўтказишда Ўзбекистон раҳбарияти, хусусан Ш. Рашидовнинг роли катта бўлди.

1970 йилларга келиб Ўзбекистон кўплаб соҳаларда кўзга кўринарли ютуқларга эришди. 1979 йили Шароф Рашидов Москвадаги "Литературная газета"нинг бош муҳарририга интервью бериб, жумладан, Ўзбекистон эришган ютуқларга тўхталди. 1972 йили пахтакорлар 4 млн 700 минг тонна "оқ олтин" етказиб бердилар. Ўзбекистонда ирригация иншоотларини қуриш жуда катта миқёс касб этди. Йирик сув ҳавзалари ва сугориш каналлари қурилди, замонавий гидротехника иншоотларига эга кенг ирригация-мелиорация тармоқлари барпо этилди. Бу Мирзачўл ва Қарши чўлларидаги, Сурхон-Шеробод водийсидаги, Марказий Фарғона, Қуйи Амударё ва бошқа ҳудудлардаги илгари бўшаб ётган кенг далаларни ўзлаштириш имконини берди. Ҳозир Ўзбекистонда саноатнинг 100 дан ошiq соҳалари фаолият юритмоқда. Республикада кўп тармоқли машинасозлик, энергетика, кимё, нефт, кўмир, газ, тоғ-кон, металлургия, олтин қазиб чиқариш, электротехника, самолётсозлик,



электроника, озиқ-овқат ва саноатнинг бошқа соҳалари қурилиш индустрияси ривожланишининг юқори даражасига эришди. 1971 йили саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми Ўзбекистон ССР ташкил топган 1924 йилдаги даражасига нисбатан 119 марта ошди. Ўзбекистон саноат ва қишлоқ хўжалигининг маҳсулотлари 70 дан зиёд мамлакатларга экспорт қилинар эди. [3]

Мурунгов олтин кони 1961 йили ишга туширилиб, унинг биринчи қуймаси 1969 йил июн ойида олинган эди. Шундай қилиб, Марказий Қизилқум саҳроси ўртасида йилига 18 миллион тонна рудани қайта ишлаб, 50 тонна олтин олиш қувватига эга улкан Мурунгов корхонаси барпо этилди. Қуввати бўйича ҳам, юксак софликка эга олтин қуймаларини олиш технологияси бўйича ҳам жаҳонда тенги йўқ корхона бунёд этилди.

Ўзбекистон ССР олтин ва уран қазиб олишда дунёнинг етакчи ўринларидан бирини эгаллади. 1970–1980 йилларда республикада ҳар йили 50 тонна атрофида соф олтин қуймаси тайёрланган. Республикада олтин етказиб бериш бўйича СССРда асосий ўринга чиқиб олган бўлиб, умумиттифоқ олтинининг қарийб 50 фоизини етказиб берарди. Бу пайтда олтин захиралари бўйича Ўзбекистон дунёда еттинчи ўринни эгаллаган. Бу даврда ҳар йили Ўзбекистон ер ости конларидан тахминан 5,5 млрд доллар миқдорида фойдали қазилмалар олинган.

Тошкент шаҳрини Совет Иттифоқидагина эмас, балки дунёдаги энг гўзал шаҳарга айлантиришда Шароф Рашидовнинг ҳиссаси беқиёсдир. У ўша вақтда Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкент метрополитенини қурилишини бош ташаббускори бўлди. Тошкент метрополитенининг қурилиш жараёни ҳам осонликча қўлга киритилмаган. Собиқ марказ дастлаб турли баҳоналарни рўқач қилиб, лойиҳани амалга оширишга йўл бермайди. Шунда Шароф Рашидов қатъий туриб, энг билимдон ва тажрибали мутахассислар иштирокида масалани ўрганиб, метрополитен қуришга барча асослар борлигини исботлаб беради. Ниҳоят, вазият топиб, Брежневнинг ҳузурига еттинчи марта кирганида: "Сен Рашидов метронг билан жонимга тегдинг" деб ҳужжатга имзо чекишдан ўзга чораси қолмайди. [4] Шундай қилиб, 1971 йилда Москва томонидан тасдиқлангандан кейин Ўзбекистон ССР раҳбарияти "Тошкент шаҳрида метрополитен қурилиши тўғрисида"ги қарорни қабул қилади. Шароф Рашидов Тошкент метросининг барча бекатлари Тошкентда лойиҳалаштирилишига эришади. Метронинг биринчи навбати 1977 йил 6 ноябрда ишга туширилди.

Шароф Рашидов Ўзбекистон раҳбари бўлган йиллари республика сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан салмоқли ютуқларга эришди. Хусусан, Тошкент Иттифоқнинг Шарқдаги дарвозасига айланиб, Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги тинчлик сулҳи шулар

жумласидандир. Республикада саноатнинг юздан ортиқ соҳалари фаолият юритди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинди. 1966 йилги zilзиладан кейин Тошкент янгидан замонавий қилиб қурилди. Ўрта Осиёда ягона Тошкент метрополитени барпо этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Рашидова Ғ.Ш., Комилов Д.А. Шароф Рашидов:Инсон давр кўзгусида ва давр инсон тақдирида. Тошкент.Tasvir, 2017. - Б. 121.
- 2.Эргашев Ш. Эрк истар кўнгил. - Тошкент: O'zbekiston, 2017. - Б. 67.
- 3.Рашидов Ш. Асарлар. Беш жилдлик. Тўртинчи жилд. Муҳаррир Ҳамид Гулом. - Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва Санъат нашриёти, 1982. - Б. 228.

Аннотация. Ушбу мақолада Шароф Рашидов Ўзбекистон раҳбари бўлган йиллари республиканинг сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан салмоқли ютуқларга эришиши хусусан, Тошкент Иттифоқнинг Шарқдаги дарвозасига айланиши, Ўрта Осиёда ягона Тошкент метрополитени барпо этилиши ҳақида ёзилган.